(Боши 3-бетда)

Ҳозирда мавжуд бўлган 1 мвт қувватга эга катта қуёш қурилмаси 1,0 метрга тенг бўлган юза-фокусда 1000 вт/см.кв. зичликдаги ўта юқори энергияни мужассамлаштира олади. Катта қуёш сандони фокуси технологик минорада жойлашган бўлиб, у ерда махсус қурилма ва асбоблар ёрдамида юқори даражада кечадиган физик-кимёвий жараёнлар амалга оширилади. Ушбу қурилманинг бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида мутахассислар томонидан ҳар қандай табиий шароит ўзгаришлари — шамол, температуранинг кескин совиши ёки қизиб кетиш ҳолатларига чидамлилиги назорат қилиб турилади. Бунда, албатта, тажрибали ходимлар иш олиб бориши лозим бўлади. Қуёш сандонининг республикамиз илмий-техник салоҳияти, ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзига хос ўрни ҳисобга олиниб иншоот 2003 йилда ҳукуматимиз томонидан «Ўта муҳим ноёб иншоотлар» жумласига киритилган эди. Шунга кўра унинг архитектура-дизайн кўринишини, техник кўрсаткичларини талаб даражасида сақлаш учун маблағ ажратилди.

Айтиш мумкинки, катта қуёш печининг техник фаолияти нурланишнинг моддалар билан ўзаро таъсир жараёнларини тадқиқ қилиш, қуёш сандонида берилган хоссага эга бўлган нометалл, иссиққа чидамли материалларни синтез қилиш муаммоларини ҳал қилади. Катта қуёш печи асосида амалга оширилаётган ишларнинг кўпчилиги Ангрен каолини, Лангар пегматити ва Май ҳудудининг кварц қумларини физик-кимёвий таҳлил қилиш ҳамда керамик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга татбиқ этиб, алюминий ва цирконий оксидлари асосида емирилишга чидамли, металлар сиртларини мустаҳкамлашда ишлатиладиган маҳсулотлар олинмоқда.

# «ФИЗИКА-ҚУЁШ»

## илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

Уларнинг тажрибавий намуналари машинасозлик саноати корхоналарида ишлатилмоқда. Қуёш печида олинган корувд асосида стоматологияда ишлатиладиган мустаҳкам абразивлар тайёрланиб, республика поликлиникаларида фойдаланилмоқда. Электротехника саноатида ишлатиладиган керамик сақлагичлар ва изоляторларнинг тажрибавий намуналари Тошкент электроаппарати, Марҳамат электротехника заводларига етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент, Наманган, Андижон, Марғилон, Қўқон шаҳарларида фаолият кўрсатаётган енгил саноат корхоналарига 70 турдан ортиқ иш юритгичлар тақдим этилди. Мутахассисларимиз томонидан тиббиётда қўллаш учун турли русумдаги стерилизаторлар ва керамик инфрақизил нурлар билан даволаш қурилмалари ҳам яратилди. Ана шундай асбобларимиздан бугунги кунда Малайзия, Грузия, Эстония, Канада, Россия, Германия мамлакатлари клиникаларида ҳам фойдаланишмоқда. Маҳаллий хомашё асосида резервуарлардаги суюқ ёнилғининг буғланиши натижасида қўлланиладиган пантонлар технологияси "Ўзбекнефтгаз" миллий холдингга қарашли "Шўртангаз", "Муборак газни қайта ишловчи корхона"ларида синовдан ўтказилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шунингдек, мутахассисларимиз томонидан яратилган газларни тозалашда ишлатиладиган керамик фильтрлар "Шўртангаз" корхонасида қўлланилмоқда.

Маълумки, республикамизда ўтказилаётган "Универсиада", "Баркамол авлод", "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг машъаласи катта қуёш сандонида ёндирилади. Шундан сўнг у шаҳар ва қишлоқлар, кўча ва хиёбонлар орқали олиб ўтилади. Бундан мақсад, миллат қонидаги ақл-заковат, салоҳият оловини, буюк боболаримизга хос илму урфон, жасурлик, фидойилик ёғдусини ёшларимиз қалбида ҳам алангалатишдир. Бир қарашда бу Грецияда ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари машъаласини ёндириш маросими билан ўхшашдек туюлади. Аслида ҳам унинг ўзига хос маъноси, рамзи, руҳи ва ифодаси бор. Айтиш мумкинки, 2002 йилнинг октябр ойида Жанубий Кореяда ўтказилган "Осиё ўйинлари" халқаро спорт мусобақаси машъаласи ҳам бизнинг Қуёш сандонида алангa олдирилган эди. Иншоот тоғолди ҳудудда жойлашганлиги боис "Ипак йўли" халқаро саёҳлик йўналишига киритилган. Шу боис кўплаб хорижлик олимлар, давлат ва жамоат арбоблари бу ерга тез-тез ташриф буюриб туришади.

XX аср атом ва ядро энергияси асри бўлганидек, асримиз қуёш технологиялари асри бўлиши кутилмоқда. Ўйлаймизки, яқин ўн йилликлар ичида инсоният бу соҳада ҳақиқатан ҳам улкан ютуқларга эриша олади.

**Роза САЙДАҲМЕДОВА,**
**"Ишонч" мухбири**

# ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ

## устида самарали изланишлар

(Боши 3-бетда)

Шунингдек, ҳозирда ёш ўқитувчи Ойбек Ҳайитбоев ва тажрибали устоз Пўлат Тошхўжаев ҳамкорлигида касбий фан бўйича электрон дастур тайёрланмоқда. Республикадаги шу соҳага ихтисослашган барча ўрта махсус ўқув юртларида ёшлар коллеж педагогик жамоаси томонидан ишлаб чиқилган намунавий дастур ва ўқув режалар асосида ўқитилмоқда.

— Ўқув масканимизда ёшларнинг чуқур билим олиб, ўз танлаган касб сирларини пухта эгаллашлари учун барча шароит муҳайё этилган, — деди коллеж директори вазифасини бажарувчи М. Зоҳидов. — Уларнинг дарсларни яхши ўзлаштириши ва олган билимларини кенгайтиришига кўмаклашиш мақсадида 11 та фанлар бўйича, 4 та касбий йўналишларда тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, бой кутубхонамиз мавжуд бўлиб, у 14104 нусхадаги китобларга эга. Турли газета-журналларга обуна бўлганмиз. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида бу ерга келиб, ўқув залида илмий, сиёсий, ҳуқуқий ва бадиий адабиётлар билан яқиндан танишишлари мумкин. Ота-онасиз, кам таъминланган ва вилоятлардан келиб ўқиётган ўқувчиларнинг бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланишига эса Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ўз маблағи ҳисобидан ҳомийлик кўрсатмоқда.

Қаерда спортга эътибор кучли бўлса, ўша ерда соғлом турмуш тарзи қарор топиши шубҳасиз. Барча жиҳозларга эга спорт зали ва майдонлари ўқувчилар ихтиёрида. 10 та спорт тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Баркамол авлод - 2005» спорт ўйинларида коллеж вакилларининг муваффақиятли қатнашганини ана шу саъй-ҳаракатлар маҳсули, десак хато бўлмайди.

Бу ерда, айниқса, ёшларни кенг дунёқарашга эга, маънавиятли ва миллий истиқлол ғояларига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда ижобий ютуқларга эришилмоқда. Маънавий-маърифий тадбирларни йўлга қўйиш бўйича мукаммал даражада иш режалари тузилган. Уларга кўра, ўқувчилар қалбида Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат ҳисларини уйғотиш, уларни жиноятчилик, тартиббузарлик, носоғлом турмуш тарзидан келиб чиқадиган иллатлардан хабардор қилиш ва ёт оқимлар тузоғига илинишдан асрашни кўзлаб кўплаб маънавий-маърифий кечалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, шифокорлар ҳамда диний уламолар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Жумладан, «Она тилим - жону дилим», «Қомусимиз - бахтимиз», «Аждодлар руҳи барҳаёт», «Хотира азиз ва муқаддасдир», «Гиёҳвандлик иллатининг келиб чиқиши», «Огоҳлик - давр талаби», «Ислом маънавияти ва ёшлар» каби ўнлаб тадбирларни санаш мумкин.

Ўқувчилар бу ерда олган билим ва кўникмаларини бевосита амалиётда мустаҳкамлаш имконига эга бўлишмоқда. Хусусан, улар «Ўзбектелеком» компанияси, шаҳар алоқа тармоқлари билан тузилган шартнома асосида мазкур корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини яқиндан ўрганадилар. Бу нарса ёшларнинг ўқишни битириб, ишга жойлашишида муҳим омил бўлаётир.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ИЛДИЗЛАРИ ЧУҚУР МИЛЛАТМИЗ

(Боши 2-бетда)

Илмий салоҳиятни намоён этишда грантлар ва илмий лойиҳаларнинг аҳамияти катта. Профессорлар Н. Ғаниxўжаев ва Р. Ашуров раҳбарлигида ёш олимлар А. Абдуваитов, М. Соколов, Д. Скоробогатов, Д. Занин ва М. Юлдашевлардан тузилган илмий гуруҳ халқаро «Абдус Салам» (Италия, Триест) фондининг ICTP (Назарий физиканинг халқаро маркази) халқаро гранти ва «Ўзбекистонда компьютер фанлари асосида химиядан магистрлар тайёрлаш» (TEMPUS) (М. Арипов, Б. Абдураҳимов, Қ. Фаязов, З. Юлдашев, А. Ҳайдаров) грантлари асосида катта изланишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар марказининг 11 та гранти профессор-ўқитувчилар ва ёш олимлар томонидан бажарилмоқда. Грантлар бўйича тадқиқотлар нафақат факултет кафедраларида, ЎзР ФА Математика институти, ЎзР ФА Сув муаммолари институти, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтларида ҳам олиб борилмоқда.

Ҳозирги кун талабанинг изланувчан ва ижодкор бўлишини талаб этади. Ҳар қандай инсонни ҳам қайсидир маънода кашфиётчи дейиш мумкин. Шогирдлар орасида ёш бўлишига қарамай, изланишлар оламига шўнғиб кетганлари анчагина. Х. Давлетовнинг «Икки ўлчовли мураккаб соҳани чекли элементларга ажратиш», Г. Нурматовнинг «Университет масофавий таълим тизимини яратиш» мавзусидаги, Е. Тамилованинг «Эҳтимоллар назариясининг классик парадокслари ҳақида»ги изланишлари таҳсинга лойиқ.

Хорижий ва МДҲ давлатлари билан ҳам илмий ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Россиялик, украиналик ҳамда қозоғистонлик бир гуруҳ профессорлар ўтган йилнинг май ойида Фарғона коллоквиумида иштирок этиб, талабаларга маърузалар ўқидилар.

Германиянинг Мюнхен, Австриянинг Вена, Туркия, Руминия, Хитой ва бошқа мамлакатлар университетлари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу ҳамкорликлар ҳозирданоқ ўз самарасини бермоқда.

**Д. РАҲМОНОВА**

(Боши 1-бетда)

Жамоа шартномаларининг савияси ҳам етарли эмас. Айрим ҳолларда уларга киритилаётган бандларнинг аксарияти Меҳнат Кодексидан ва ҳар йили "Ишонч" газетасида эълон қилинадиган тавсиялардан ҳеч қандай аниқлик киритмасдан айнан кўчириб олинмоқдаки, натижада у мантиқсиз кўриниш ҳосил қилмоқда. Бундай аҳволни қарийб барча тармоқларда тузилган жамоа шартномалари мисолида кўриш мумкин.

Жамоа шартномаларига, шунингдек, томонларнинг мажбуриятларни сўзсиз бажаришлари учун масъулиятини оширадиган талаблар киритилмаяпти. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 88-сонли қарорида касаба уюшмаларига тавсия қилинган тадбирлар, яъни мажбуриятларни бажармаган айбдорларга нисбатан чора кўриш, иш берувчининг айби билан иш ҳақини кечиктиргани учун жавобгарлиги, шу жумладан, моддий жавобгарлиги масалаларига ҳам аксарият жамоа шартномаларида изоҳ берилмаган.

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДАН — ИЖТИМОИЙ ТАШАББУСКОРЛИККА

Баъзида жамоа шартномаси ходимга имтиёзлироқ шарт-шароит яратиш ўрнига, унинг аҳволини ҳатто меҳнат қонунлари ва бошқа норматив тусдаги ҳужжатлардагига нисбатан ҳам ёмонлаштирадиган, қонуний ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ҳужжатга айланмоқдаки, буни асло кечириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам кечириб бўлмайдики, бу пировард натижада касаба уюшма обрўсига путур етказади ва у "Инсонга наф келтириш — олий бахт" деган ақидаги мутлақо зид эканлиги билан ҳам акс таассурот уйғотиши мумкин. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

**— Ҳар қандай ишнинг муваффақияти назорат билан. Ишон, аммо вақти-вақти билан текшириб тур, деб бежизга айтмайдилар. Айниқса, гап кўпчиликнинг манфаати устида кетаётганида лоқайдлик қилиш ярамайди.**

— Шубҳасиз. Бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Жойларда жамоа шартномалари бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатилмаганлиги ҳам бор гап.

Чунончи, Автотранспорт ва йўл хўжалиги тармоғига қарашли Бекободдаги "Сарбон" ҳиссадорлик жамиятида, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида, шу тармоқнинг Беруний, Тўрткўл, Оққўрғон туман кенгашларида, Енгил, мебел саноати ва КМХ ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгашида, "Сирдарёвилоятгаз" корхонасида, Булунғур туман маданият ва спорт ишлари бўлими кабиларда шундай ҳолни учратиш мумкин.

Тошкент шаҳридаги "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" акциядорлик жамиятида, Боёвут туманидаги Т.Мирзақобилов номидаги 1-мактабда Меҳнат Кодексининг 46-моддасига зид ҳолда жамоа шартномаси бажарилишининг йил якунлари бирор марта умумий мажлисда кўриб чиқилмаганлиги эса, айниқса, кечириб бўлмас ҳолдир.

Ҳозирги вақтда касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бу ҳол ўз навбатида, аъзоликка ундовчи омилларни кучайтиришни тақозо этади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойида таъкидланганидек, жамоа шартномаси — аксарият касаба уюшма ташкилотлари учун аъзолик афзалликларини асослашнинг ягона қуроли ҳисобланади. Унинг имкониятлари ва таъсир доираси ниҳоятда кенг ва серқиррадир. Ҳамма гап ундан қандай фойдаланишда.

**— Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ташаббускорлик бор жойда ҳамма нарсага эришиш мумкин.**

— Буни бир ибора билан "Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий ташаббускорликка" дея таърифласак тўғри бўлади. Дунёни манфаатлар кураши ҳаракатга келтиради, инсонлар ҳаракатини ҳам манфаатдорлик бошқаради.

Қаердаки меҳнат аҳли ўзи бажарган ишдан рағбат топса, у ёки бу сабабга кўра муаммо туғилган ҳолларда ўзи ишониб сайлаб қўйган касаба уюшма қўмитасидан керакли йўл-йўриқларни олса, зарур бўлганда, ҳам моддий, ҳам ҳуқуқий ҳимояланишини билса, ўша жойда меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот сифати ҳам яхшилангандан яхшиланиб бораверади. Касаба уюшма етакчиларидан фидойилик, омилкорлик ва ташаббускорлик хусусиятларини талаб қилишимиз, турли ўқув-семинарларда шу ҳақда фикр-мулоҳазаларга берилишимиз ҳам шундан.

Маълумки, касаба уюшма кадрларини тайёрлаш биронта олий ўқув юртида йўлга қўйилмаган. Энг катта мактаб, бу ҳаётнинг ўзи. У эса ҳеч қачон алдамайди, фақат олдинга бошлайди. Инсонларга наф келтиришни эзгуликка йўғрилган қалб даъвати деб билиш кишилар учун бу айни муддаодир. Зоҳирий ва ботиний ҳис-туйғулар худди шу нуқтада туташади.

**Суҳбатдош:**
**Зайниддин РИХСИЕВ**





Бугунги кунда Жиззах вилоят Арнасой туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказий шифохона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратмоқда.

***Суратларда: Туман марказий шифохонасининг олий тоифали ҳамшираси С.Эрназарова; диагностика бўлими шифокори Н.Норбоев.***

**Б.НОРҚУЛОВ**
**олган суратлар**

# «МУТОЛАА — 2006»

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 21 сентябрдан 29 сентябргача анъанавий тарзда ўтадиган «Мутолаа байрами — 2006» тадбири бошланди.***

Тадбирдан кўзланган мақсад —ватандошларимиз, биринчи навбатда ёшларимиз орасида мутолаа маданиятини кўтариш, ношрлик фаолиятини ривожлантириш ва республика аҳолисининг кенг қатламларини янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда уларни қўллаш, ахборот олишнинг янгича технологиялари билан таништириш ва тарғибот қилиш. Энг муҳими «Мутолаа байрами» доирасида нафақат китоб ўқишга даъват қилиш, балки турли — туман шаклларда амалга ошириладиган бир қанча тадбирлар уюштирилади.

Байрамнинг илк кунида иқтисод фанлари доктори Муҳаммадали Саидовнинг «Ўзбекистон — инсон омилига сармоя, таълим соҳасида ҳамкорлик» номли китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Қолаверса, «Мутолаа байрами — 2006» доирасида кутубхоначилик ишида янги ахборот технологиялари ва замонавий усулларни қўллаш бўйича семинарлар, китоб ярмаркаси ва адабиётларнинг очиқ кўргазмалари, шунингдек маданият ва санъат арбоблари, шоир ва ёзувчилар билан учрашув ва бошқа қатор тадбирларнинг ўтказилиши режалаштирилган.

**Муҳайё ЖЎРАЕВА**

***Ёш авлодни юксак мақсадлар сари руҳлантириш, уларга ҳам маънан, ҳам моддий ёрдам кўрсатиш — бу буюк келажак учун пойдевордир.***

***Бу борада Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, ҳаётбахш қонунлар ва ҳукумат қарорлари маърифат соҳаси, жумладан, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларидан ўз фаолиятига янгича ёндошишни талаб қилмоқда. Давлат дастурларига асосан тармоқда амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши бўлим мудири Маҳмуда Мурзаева шундай дейди:***

# ИҚТИДОР СОҲИБЛАРИГА УСТАМА СТИПЕНДИЯ

— Президентимизнинг фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган даъватлари Марказий Кенгашимизнинг ҳам эзгу мақсадига айланган. Минглаб ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчи ёшларини ўз сафига бирлаштирган Марказий Кенгашимиз талаба ёшлар манфаатларини ифодалайдиган ягона оммавий ташкилот сифатида танилган.

Ҳар йили ўрта ҳисобда 1,5 мингдан зиёд етим, 4 мингга яқин отаси ёки онаси йўқ, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, кўп болали оилаларнинг фарзандлари алоҳида назоратга олиниб, ижтимоий муҳофаза қилиш тизими йўлга қўйилди.

Талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида тармоқ Марказий Кенгашимиз ташаббуси билан олийгоҳларнинг иқтидорли, жамоат ишларида фаол қатнашаётган, кам таъминланган талабаларга устама стипендияси бериб борилмоқда. Жумладан, 2004-2005 ўқув йилида 45 нафар талабага 3 миллион сўм маблағ ажратилди. 2005-2006 ўқув йилида эса кам таъминланган, етим, ногирон, иқтидорли, жамоатчи талабалар учун 61 та анъанавий устама стипендия таъсис этилди. Янги ўқув йилида ҳам бу анъана давом этиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан 42 нафар олий ўқув юрти талабалари, 110 нафар ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун махсус стипендия бериб борилмоқда.

Маълумки, жисмонан соғлом, руҳан тетик талабагина илм чўққиларини мукаммал эгаллаб, етук кадр бўлиб етишади. Шуни ҳисобга олиб, талаба ёшларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув юртлари қошидаги санаторий -профилакторийларда уларни соғломлаштириш учун ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Жумладан, Термиз, Қорақалпоғистон Давлат университетлари, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Бухоро енгил саноат ва озиқ-овқат технологияси институтига ўтган йили 1 миллион сўмдан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати технологияси институтига 2 миллион сўм ажратилди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бу борадаги савобли ишларимиз кўлами янада ортди. Жумладан, олийгоҳлар қошидаги санаторий-профилакторийлар 4 миллион сўмлик маблағ билан таъминланди. Қарши Давлат университети ва Қарши муҳандислик иқтисодиёти институтига спорт инвентарлари сотиб олиш учун 1 миллион сўм ажратилди.

Гўзаллик ва санъат орқали ёшлар маънавиятини юксалтириш фаолиятимизда асосий ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг талабалар фольклор жамоаларининг «Хазина — 2005» ва талабалар театр студияларининг «Ниҳол-2006» кўрик-танловлари ғолибларига Марказий Кенгашнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

## Биз ҳам бир ёндан

Айниқса, «Халқаро талабалар куни»ни барча ўқув юртларида байрам сифатида нишонлаш анъанага айланган. Марказий кенгашимизнинг бевосита раҳбарлигида жойларда кўплаб хайрли тадбирлар, жумладан, талабаларнинг тарихий зиёратгоҳларга саёҳатлари уюштирилмоқда. Театр ҳамда концертларга бепул чипталар берилади. Ногирон, кам таъминланган ва етим талабаларга ғамхўрлик қилиш, уларни бош-оёқ кийимлар, спорт формалари билан таъминлаш ҳам байрам тадбирларига уланиб кетади.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талабалар турар жойларида ёшларнинг кўнгилдагидек яшашлари, ўз устиларида ишлашлари учун шарт-шароитлар, имкониятлар яратишга касаба уюшмаси алоҳида эътибор бериб келмоқда. Наманган муҳандислик педагогика институти талабалар турар-жойига 3 миллион сўмлик керакли мебеллар олиб берилди. Талабалар турар-жойларининг аксариятида фаолият кўрсатаётган «Маънавият ва маърифат» хоналари, кутубхоналар, спорт заллари керакли жиҳозлар, компьютер техникаси, мебеллар, адабиётлар, матбуот нашрлари билан таъминланган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Энг намунали талабалар турар жойи» кўрик-танлови бунда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Марказий Кенгашимиз истеъдодли, фидойи ёшларга илм чўққиларини эгаллашларида ҳамиша ғамхўр ва ҳомийдир. Мустақилликнинг 15 йиллиги ва Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган ёш олимларнинг халқаро илмий конференцияси ўтказилди. Урганч Давлат университетида ўтган ушбу анжуманда 497 нафар ёш олимлар қатнашди. 80 нафари шўъбалар мажлисида маъруза қилди. Энг муҳими, турли соҳага оид ёш олимларнинг илмий изланишлари тўплам сифатида нашр қилинди.

Амалга оширилаётган барча эзгу ишлар маърифатга, Ватан истиқболи бўлган малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган. Эътироф этиш лозимки, бунда касаба уюшма фаолларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

Тошкент вилоят Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши жамоаси кенгашнинг Паркент тумани бўйича вакили Шуҳрат Йўлдошевга отаси

**Шолдор ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Ishonch**

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шавкат Абдуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78

Бўлимлар
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Маънавият бўлими: 153-82-79
Ахборот ва маркетинг бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
*700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.*
*Нашр кўрсаткичи: 133; 134*
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиқов
Навбатчи - Ю.Очилдиев
Мусаҳҳиҳ - Д.Камолов

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 22.00

Буюртма Г— 1115

Тиражи: 7627